

﴿Ҳаждан қайтган барча ҳожиларга﴾

[Ўзбекча – Uzbek – الْأَوْزَبْكِي]

Шайх Амир ибн Мухаммад Мадарий

Таржимон: Абу Жаъфар ал-Бухорий

Нашрга тайёрловчи: Абу Абдуллоҳ Шоший

2013 - 1434

IslamHouse.com

﴿إِلَى كُلِّ مُسْلِمٍ بَعْدِ الْحَجَّ﴾

«باللغة الأوزبكية»

الشيخ أمير بن محمد المدربي

ترجمة: أبو جعفر البخاري

مراجعة: أبو عبد الله الشاشي

2013 - 1434

IslamHouse.com

Бисмиллаҳир роҳманир роҳим

Ҳамду сано бутун оламлар ҳожаси, меҳрибон ва раҳмли, жазо (Қиёмат) Кунининг эгаси — подшоҳи бўлмиш Оллоҳ учундир. Биз Оллоҳ таолога ҳамдлар айтиб, шукроналар келтирамиз ва барча яхшиликларни сано қилиб айтамиз.

Мен, Оллоҳнинг бандаси, расули ва яратганларининг сараси – Муҳаммад ибн Абдуллоҳга, Унинг бутун саҳобаларига ва уларга Қиёмат кунигача яхшилик билан издош бўлганларга салавоту саломлар айтаман.

Хой, Оллоҳнинг бандалари! Барча муаммо, қийинчилик, ташвиш ва тангликтининг қалқони иймон ва тақво биландир. Оллоҳ таоло шундай дейди:

«Агар сабр-тоқат қилсангиз ва Оллоҳдан қўрқсангиз, уларнинг найранглари сизларга ҳеч қандай зарар қила олмайди. Албатта Оллоҳ уларнинг қилаётган амалларини иҳота қилгувчидир». (Оли Имрон: 120);

«Ким Оллоҳдан қўрқса, У зот унинг учун (барча ғам-кулфатлардан) чиқар йўлни (пайдо) қилар».
(Талоқ: 2);

«Ким Оллоҳдан қўрқса (Оллоҳ) унинг ишини осон қилар». (Талоқ: 4);

«Ким Оллоҳдан қўрқса унинг ёмонлик-гуноҳларини ўчирур ва унинг ажр-мұкофотини улуғ қилар». (Талоқ: 5);

«Агар у қишлоқларнинг (жойнинг) аҳли иймон келтириб, тақводор бўлганларида эди, албатта Биз уларга осмону Ердан баракот (дарвазаларини) очиб қўйган бўлар эдик». (Аъроф: 96).

Булар – Оллоҳ таолонинг ваъдалариdir.
(Айтингчи), Оллоҳ таолодан кўра тўғрироқ гапирган бирон зот борми?!

Хой, мусулмонлар!

Хожилар муборак диёrlардан қайтдилар.

Раҳмоннинг меҳмонлари Қадимги Уйни тавоғ қилиб, Арафотда туриб, Жамарот тошларини отиб,

ибодатларини тўқис қилиб қайтган Раҳмоннинг
мехмонлари ҳожиларнинг туришларидан
шуларни ўқишимиз мумкин:

Каъбани кўриш билан қўзларим нурланди...
Уни кўргач қувондимми ёки йиғладимми эсалй
олмайман...

Мақоми Иброҳим орқасида намоз ўқидим,
Ҳижри Исмоилда сажда қилдим... Каъба
жойлашган масжидда юзларимни ерга қўйдим...

Кўлларим билан Қора Тошни ушладим...
Кўзларим билан жаннат ёқутларидан бирини
кўрдим...

Икки лабим Қора Тошни ўпдилар... Кўксимни
Мултазамга босдим...

Чанқоғимни босгунича дунёning энг лаззатли
сувини ичдим... Сафо ва Марва тепаликларига
чиқдим...

Дунёда мендан кўра баҳтироқ инсон борми?!

Шояд пешонамни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам муборак оёқларини қўйган жойларга қўйган бўлсам ...

Шояд юзларимни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Каъба олдида кўз ёшларини тўккан ерга текказган бўлсам ...

Бу – ҳаётим давомида унут олмайдиганим манзара эди ...

Ҳой, Оллоҳнинг бандалари!

Бироқ ...

Ҳаждан сўнгра нима бўлади? Оллоҳга қилинган тоат-ибодат ҳаж тугаши билан тўхтайдими?!

Ҳаж ибодатларидан сўнг, Оллоҳнинг зикри тўхтатиладими?

Оллоҳга қасамки, йў-ў-қ! Чунки, ҳаж – қалбларга Оллоҳнинг муҳаббатини қуядиган мактабдир!

Ҳар бир ҳожининг ширин ҳаёт кечириши, ҳалол ишлар билан шуғулланиши учун, ҳаждан ўз она ватанига қалби Оллоҳга ва Оллоҳнинг динига бўлган муҳаббат билан тўлиб қайтиши зарур. Чунки, Оллоҳ таоло покдир ва пок амалларнигина қабул қиласи ...

Энди ҳожи ҳалол-пок нарсаларни ейди. Чунки, Оллоҳ таоло шундай деган:

«Эй одамлар, Ердаги ҳалол-пок нарсалардан енглар ва шайтоннинг изидан эргашманглар! Шубҳасиз, у сизларнинг очиқ душманингиздир». (Бақара: 168);

«Эй мўминлар, сизларга ризқ қилиб берганимиз — покиза нарсалардан енглар ва агар Оллоҳнинг Ўзигагина ибодат қилгувчи бўлсангизлар У зотга шукр қилингиз!» (Бақара: 172).

Ҳожи (ширку-маъсиятдан) пок бўлиб ўлади. Чунки, Оллоҳ таоло шундай деган:

«Улар (ширк ва исёндан) пок бўлган ҳолларида, фаришталар уларнинг жонларини олар эканлар:

«Сизларга тинчлик-омонлик бўлгай. (Энди) қилиб ўтган амалларингиз сабабли жаннатга кирингиз», дерлар». (Наҳл: 32).

Хожи покиза қалбли инсонлар учун тайёрлаб қўйилган диёрга киради. Оллоҳ таоло айтди:

«Роббиларидан қўрққан зотлар эса тўп-тўп ҳолда жаннатга «ҳайдаладилар». То қачон улар дарвозалари очилган ҳолдаги (жаннатга) келиб етганларида ва унинг қўриқчилари; «Сизларга тинчлик-омонлик бўлсин! Хуш келдингиз! Бас унга мангу қолгувчи бўлган ҳолларингизда кирингиз», деганларида (улар беҳад шодланурлар)». (Зумар: 73).

Ҳой, Оллоҳнинг бандалари!

Ибодатдатлардан мақсад, уларни қилиб қўйишгина эмас, балки, уларнинг ортида кўп нарса бор ...

Намоз ҳасизлик ва гуноҳлардан тўсади. Агар тўса олмаса Оллоҳдан узоқлаштиради, холос.

Рўза ҳикматларга бойдир. Рўза – қалбларга тақвони ўрнатишдир. Чунки, Оллоҳ таоло:

«Эй мўминлар, тақволи кишилар бўлишингиз учун сизлардан илгари ўтганларга фарз қилингани каби сизларга ҳам саноқли кунларда рўза тутиш фарз қилинди» (Бақара: 183), – деди.

Закот ва садақа мўминни баҳиллик ва қизғанишдан поклаб, Оллоҳнинг ғазабини сўндиради:

«(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), сиз уларнинг молларидан бир қисмини ўзларини поклаб тозалайдиган садақа сифатида олинг ва уларнинг ҳақларига дуо қилинг. Албатта, сизнинг дуоингиз улар учун ором-осойишталик бўлар. Оллоҳ эшитгувчи, билгувчиидир». (Тавба: 103).

Ҳаж ҳам шуларга ўхшайди. Ибодатнинг қабул бўлиш аломати ундан кейинги ҳаракатлардир. Яхшиликтининг қабул бўлиш аломати, ортидан яхшиликтининг қилинишидир.

Оллоҳим, биздан (ибодатларимизни) қабул айла! Бизни раҳматингдан ноумид қайтарма, ё, Роббал-Оламийн!

Иккинчи хутба

Барча Оламлар Робби бўлган Оллоҳга ҳамду санолар бўлсин. Оқибат – тақводрларни кидир. Фақат золимларга қарши душманлик қилиш мумкин.

Мен ягона ва шериксиз Оллоҳдан ўзга илоҳ йўқ,
Муҳаммад Унинг бандаси ва расули эканига
гувоҳлик бераман. Уллоҳ Унга, Унинг оиласи ва
саҳобаларига салавоту саломлар йўлласин.

Сўнг ...

Оллоҳнинг бандалари!

Ҳаж ибодати тугагач биздан нима талаб қилинади? Оллоҳнинг зикри шу ибодатлар билан тўхтайдими?

Сизлар Оллоҳ таолонинг ушуб оятларига қулоқ солинглар:

«Ва уларнинг орасида шундай зотлар ҳам борки,
«Роббимиз, бизга бу дунёда ҳам яхшилик ато
қилгин, охиратда ҳам яхшилик ато этгин ва бизни

жаҳаннам азобидан асрагин», дейдилар. Ана ўша зотлар учун қилган ибодатлари (ҳаж, дуолари) шарофатидан насиба бор. Оллоҳ тез ҳисоб-китоб қилгувчи зотдир». (Бақара: 201, 202).

Ҳаждан сўнг одамлар икки қисмга бўланидалира. Улардан биринчисининг қайғуси фақатгина шу дунё матолари бўлиб, дуоларида ҳам дунёни сўрайдилар. Оллоҳ уларга бу дунёда тақдир қилиб қўйган барча матоларни берсада, охиратда уларнинг насибаси йўқдир.

Иккинчи қисмдаги одамларнинг эса уфқлари ва юраклари кенгdir. Чунки улар Оллоҳга боғланиб, бу дунёдаги яхшиликларни сўрар эканлар, охиратдаги насибаларини ҳам унутмайдилар:

«Ким (ўз амали билан) охират экинини (яъни савобини) истар экан, Биз унга экинини(нг ҳосилини) мўл-зиёда қиласиз. Ким дунё экинини истар экан, Биз унга ўшандан (дунё матоларидан) берамиз ва унинг-учун охиратда бирон насиба бўлмас!» (Шўро: 20).

Ҳаж ҳақидаги оятлардан сўнгра одамлар икки синфга бўлиндилар. Бирининг зоҳири ботинига зид бўлиб, Ер юзида ислоҳотлар қилишни даъво қилсада, Ер юзини бузғунчиликка тўлдиради. Шундай бўлишига қарамай, Оллоҳни қалбидаги «яхши» нарсага шоҳид қиласди. Раҳбар бўлишдан илгари: «Мен ундай қиласман! Мен бундай қиласман! Мен Ер юзини ислоҳ этаман!» – дейди. Бироқ, раҳбар бўлиши биланоқ Ер юзини фасод, бузғунчилик ва харобага тўлдиради. Унга: «Оллоҳдан қўрқ!» – дейилса такаббурлик қиласди. Гуноҳ қилишдан бош тортишга ғурури қўймайди. Охири унинг борадиган жойи жаҳаннам бўлади. У қандай ёмон жой-а?!

Оллоҳ таоло айтди:

«(Эй Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам) одамлар орасида шундай кимсалар борки, унинг гапирган гапи, ҳаёти дунёда Сизга қизиқ туюлади. Ва ўзи (исломга) ашаддий хусуматчи бўлган ҳолида дилидаги «иймонига» Оллоҳни гувоҳ келтиради. (Олдингиздан) кетганида эса ерда бузғунчилик, экин ва наслларни ҳалок қилиш учун югуриб-елиб юради. Оллоҳ эса бузғунчилик-фасодни севмайди. Қачон

унга: «Оллоҳдан қўрққин», дейилса, уни кибру ҳавоси гуноҳга тортади-етаклайди. Унга жаҳаннам бас келар. Нақадар ёмон жой-а!» (Бақара: 204 – 206).

Иккинчи синф эса, жонини Оллоҳ йўлида сотган ва уни ортидан бирон нарса умид қилмай Оллоҳга топширганлардир. Улар риё ва хушомади бўлмаган самимий мусулмонлардир.

Оллоҳ таоло айтди:

«Одамлар орасида Оллоҳ ризолиги йўлида ўз жонини берадиган зотлар ҳам бор. Оллоҳ бандаларига ғамхўр, меҳрибондир». (Бақара: 207).

Хой, Оллоҳнинг бандалари!

Қалбларга Оллоҳнинг буюклиги ва ҳар бир лаҳзада Оллоҳнинг зикри билан хотиржамликни ўрнатиш – ҳажнинг катта ҳикматларидан биридир.

Оллоҳни ҳаждан сўнгра зикр қилинг:

**«Энди, маросимларингизни адо қилиб бўлгач,
Оллоҳни аждодларингизни эслагандек, балки
ундан-да қаттиқроқ эсланг!»** (Бақара: 200).

Жума ва бошқа намозлардан сўнгра Оллоҳни
эсланг:

**«Энди қачон намоз адо қилингач Ерга тарқалиб,
Оллоҳнинг фазлу марҳаматидан (ризқу рўз)
истайверинглар. Оллоҳни кўп зикр қилингларки,
шояд нажот топарсизлар».** (Жумъа: 10).

Таҳликаларга тўла, қонлар оққан ва жиҳод
пайтларида Оллоҳни ёдга олинг:

**«Эй мўминлар, (кофир) жамоатга рўбарў
бўлганингизда саботли бўлингиз ва доимо Оллоҳни
ёд этингиз, шояд нажот топарсизлар».** (Анфол: 45).

Оллоҳни зикр қилиш тилни тасбих, ҳамд ва
таҳлил билан қимирлатишгина эмас.

Йў-ўқ!

Хой Оллоҳнинг бандаси, Оллоҳни ҳар бир ҳолатда ёдга олишингиз талаб қилинган.

Неъматлар олдида Оллоҳни ёдга олиб, Унга шукроналар келтирасиз...

Мусибат пайтида Оллоҳни эслаб, Унга ҳамду санолар айтасиз ва бу мусибатни Оллоҳ тақдир этганини биласиз-да: «Иннаа лиллаҳ ва иннаа илайҳи رَجِيْعُنَّ» («Албатта биз Оллоҳнинг (бандаларимиз) ва албатта биз у зотга қайтгувчилармиз») – дейсиз.

Ҳаром олдида Оллоҳни эслаб: «Яратгувчи ва Ризқлантирувчи Эгам, Оллоҳим мен Сенга бу ҳаром ишни қилиб қўйишдан сиғинаман!» – денг.

Оллоҳнинг бандалари, Оллоҳни кўп эсга олинглар! Уни оз ёд қилганлардан бўлманглар! Чунки, мунофиқлар Оллоҳни оз зикр қиласилар. Мўминлар эса, Оллоҳни кўп зикр қиласилар. Оллоҳ таоло айтди:

**«Токи биз Сени кўпроқ поклаб-ибодат қилайлик;
Ва Сени кўпроқ зикр қилиб – эслайлик».** (Тоҳа: 33).

«Магар иймон келтирган ва яхши амаллар қилган ҳамда доим Оллоҳни ёдда тутган ва (илгари) мазлум бўлганларидан кейин (Ислом зафар топгач) ғолиб бўлган кишилар (яъни шоирлар йўлдан оздиргувчи эмаслар). Золим кимсалар эса яқинида қандай оқибатга қараб кетаётгандарини билиб қолурлар». (Шуъаро: 227);

«(Эй мўминлар), сизлар учун — Оллоҳ ва охират кунидан умидвор бўлган ҳамда Оллоҳни кўп ёд қилган кишилар учун Оллоҳнинг пайғамбари (иймон-эътиқоди ва хулқи атвори)да гўзал ибрат бордир». (Аҳзоб: 21);

«Оллоҳни кўп зикр қилгувчи эркаклар ва (Оллоҳни кўп) зикр қилгувчи аёллар – улар учун Оллоҳ мағфират ва улуғ мукофот (яъни жаннат) тайёрлаб қўйгандир». (Аҳзоб: 35);

«Эй мўминлар, Оллоҳни кўп зикр қилинглар». (Аҳзоб: 41);

«Энди қачон намоз адо қилингач Ерга тарқалиб, Оллоҳнинг фазлу марҳаматидан (ризқу рўз)

истайверинглар. Оллоҳни кўп зикр қилингларки, шояд нажот топарсизлар». (Жумъа: 10).

Ҳой Оллоҳнинг бандаси, мана шундай қилиб Оллоҳни ёдга олинг!

Оллоҳни ҳар бир лаҳза ва ҳолатингизда Оллоҳни ёд олинг-ки, ўлимингиз олдида: “Ла илаҳа иллаллоҳ” калимаси билан Оллоҳ сизни устивор қилсин!

Оллоҳим, ё Роббал-Оламийн, бизни дунё ва охиратда устивор калима билан барқарор қил!

Оллоҳим, гуноҳларга такрор қайтармайдиган самимий тавбалар билан гуноҳларимизни мағфират айла!

Оллоҳим, бизнинг гуноҳларимизни мағфират қил!

Оллоҳим, ҳой Шафқатлилар Шафқатлиси, бизга раҳм қил!

Оллоҳим, Сени Сенга мақтоворлар айтиш билан
мушриклар сифатлаётган сифатлардан
поклайман!